



Ma'halла

№51 (2189) | 2024 йил 29 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

МУНОСАБАТ

Масъулият ва заҳматли меҳнатнинг муносиб эътирофи



Президент Шавкат Мирзиёев Ватанимиз Мустақиллигининг 33 йиллик байрами муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни давлат мукофотлари билан тақдирлади. Эътиборлиси, юксак эътирофга муносиб кўрилганлар орасида “маҳалла еттилиги” вакиллари ҳам бор.

“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Президент фармонига асосан, “Эл-юрт хурмати” ва “Меҳнат шўхрати” орденлари билан 1 нафардан, “Дўстлик” ордени билан 6 нафар, II даражали “Соғлом авлод учун”

ордени билан 2 нафар, “Содиқ хизматлари учун” ва “Жасорат” медаллари билан 1 нафардан, “Шуҳрат” медали билан 10 нафар, жами 22 нафар “еттилик” аъзоси давлат мукофотларига сазовор бўлди. Ана шундай эътирофга сазовор бўлган айрим маҳалла раисларининг фикрига қулоқ тутдик.

Давоми 2-саҳифада.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

СИФАТ — ўзаро тажриба ва амалиётдаги ЭНГ МУҲИМ МЕЗОН



“Маҳалла сервис компанияси” фаолиятини ривожлантиришида Хитой тажрибасидан фойдаланилади. Нега айнан бу мамлакат, дерсиз? Бонси Чин юртида аҳолига хизмат кўрсатиш борасида ўзинга хос тажриба тўпланган.

Айниқса, мамлакатда камбағалликни қисқартириш жараёнида одамларга манзилли маиший хизмат турлари кўрсатиб борилгани, айти тarmoққа шу ҳудуддаги ишсиз фуқаролар жалб этилгани, айрим хизматларни бепул кўрсатиш тартиби йўлга қўйилгани яхши самара берган. Энг муҳими, аҳоли ҳар қандай хизматни узоққа бормади, ортиқча вақт ва маблағ сарфламади, ўзинга хос “хитойча” маҳалла — ҳамжамиятнинг ўзида олиш имконига эга бўлган.



Давоми 2-саҳифада.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” ҚОЗОҒИСТОНДА ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси делегацияси айни пайтда Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳрида бўлиб турибди.



Ташрифнинг биринчи кунинда делегация аъзолари Еттисув вилояти Кўксув туманидаги “Ушоқ” барқарор ривожланиш маркази нодавлат ташкилотиде бўлиб, марказ фаолияти билан яқиндан танишди. Бу ерда марказ раҳбари, Еттисув вилояти нодавлат-нотижорат ташкилотлари ассоциацияси ва Кўксув тумани ҳокимлиги мутасаддилари билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда Ўзбекистондаги маҳалла тизими, хусусан, “маҳалла еттилиги” фаолияти хусусида маълумот берилди. 64 турдаги ижтимоий ёрдамлар маҳалланинг ўзида кўрсатилаётгани, ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида масъул шахснинг фаолият юртиши, бандлик, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий химоя масалалари маҳаллада ҳал этилаётгани қардош юрт вакилларида катта таассурот қолдирди.

Учрашувда, шунингдек, Марказ фаолиятини такомиллаштириши, бу борада Ўзбекистоннинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги тажрибасини ўрганиш муҳимлиги қайд этилди. Шу билан бирга, хавфсиз миграция масаласи диққат марказда бўлди. Бу борадаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам манфаатли экани таъкидланди.

Учрашув якунида ҳамкорлик меморандуми лойиҳасини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Уюшма делегацияси Ўзбекистоннинг Олма-ота шаҳридаги Бош консулхонасида бўлди. Бу ерда Бош консулхона раҳбари, Қозоғистон миллатлар ассамблеяси вакили, Олма-ота шаҳридаги Ўзбек миллий маданий маркази раҳбари билан учрашув ўтказилди. Ташриф давом этмоқда.

НУҚТАИ НАЗАР

Раис маҳаллага “эга” бўлмаса, дабдаба ва иллатлар урчийверади

Бугун ўзинга тўқ оилалар даштилама тўй қилиб, уш ижтимоий тармоқларда кўз кўз қилаётгани, бошқаларнинг бунга имкони бўлмаса да, фарзандларини тешқурларидан кам қилмаслик учун дабдабали тўй қилишга уринаётгани ҳақиқат. Тўйларни пичамлаштириш бўйича меъёрлар белгиланган бўлса да, бироқ кейинги пайтларда уларга амал қилинмаяпти...



Шов-шув бўлаётган тўйларнинг кўпчилиги Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келади. Бундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, маҳалламизда ўзинга хос тажрибани йўлга қўйдик. Яъни охириги йилларда деярли барча тўй, маърака ва маросимлар фуқароларнинг ўз хонадониде, миллий қадриятларимизга мос шаклда ўтказилмоқда. Бунга қандай эришдик?

Давоми 2-саҳифада.

БИЗ БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ,
БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!



Президент ПАРИЖ ОЛИМПИАДАСИДА иштирок этган спортчилар, уларнинг ота-оналари ва мураббийлари билан учрашди.



Шавкат Мирзиёев “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ” ўн учинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида қатнашди ва нутқ сўзлади.



Давлатимиз раҳбари “Кўп ўлчовли камбағаллик бўйича глобал мулоқот” халқаро конференцияси иштирокчиларига ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МУНОСАБАТ

Масъулият ва заҳматли меҳнатнинг муносиб эътирофи

“Оддий кишлоқ аёлининг мукофоти, бу — катта фахр”

Ўғилхон ЖАББОРОВА, Олтинкўл туманидаги “Сафаробод” маҳалласи раиси, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби:



— Очиғи, оддий бир кишлоқ аёлининг бундай юксак эътирофга сазовор бўлиши кишини ҳаяжонга солар экан. Ўзим кўп йиллар давомида ўқитувчи сифатида ишладим. 2006 йилдан маҳалла тизимига ишга ўтдим. Аввал масъул котиб лавозимида фаолият юритган бўлсам, 2012 йилдан буён маҳалла раиси вазифасида ишлаб келяпман. Аини пайтда “Сафаробод” маҳалласида 925 та хонадон, 1 564 та оилада 5 173

нафар аҳоли яшайди. Маҳалла раиси ҳар бир фуқарони билиши керак, йўқса, улар билан мулоқот қила олмайсиз. Ўзим маҳалла аҳлини тоифаларга бўлиб олганман. Маҳалла раиси ҳар бир ҳолатга фуқаролардан кўра эътиборлироқ бўлиши лозим. Қандай муаммо ва камчиликлар бор, бунини хонадонларга кириб юрсангиз кўрасиз. Оилавий ажралишлар масаласида кенг жамоатчилик билан фикрлашаман. Хар бири билан алоҳида гаплашаман, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қиламан.

Келгусида режалар талайгина, маҳалла юз фоиз ичимлик сув билан таъминланган. Иккита қудуқ учун минора куриш керак. Электр устунларга янги кабель тортилган, ички йўлларда деярли муаммо йўқ. Йўлларнинг асфальт бўлмаган қисмини “Ташаббуси бюджет” асосида таъмирлашни режалаштирганмиз. “Имкон излаган ниётига етади”, деганидек, ҳар бири маҳалла аҳли билан ҳам-жиҳатлида амалга оширяпмиз.

“Меҳнат қилган, албатта, рағбат тонади”

Нигаргул ГОБЕНОВА, Нукус шаҳридаги “Алтин жағис” маҳалласи раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Эл-юрт хизмати йўлида қилинган ҳар бир саъй-ҳаракат, арзимас меҳнат ҳам, албатта, мукофотсиз қолмас экан. Буни мен ўз тақдирим мисолида кўрдим. Президент тақдим этган мукофот менга янги куч, шижоат бағишлаши билан бирга, жуда катта масъулият ҳам юклайди. Хали олдинда катта-катта мақсадларимиз бор, фидойилик билан хизмат қилиб, билдирилган ишонччи, албатта, оқлаймиз.

Маҳалламизда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Яқин-яқингача бу ҳудуд транспортлар бориши қийин, коммуникация тармоқлари камчил жой эди. Икки йил муқаддам “Обод маҳалла” дастури асосида йўл,

электр энергияси, ичимлик сув ҳамда газ тармоқлари янгиланди. Маҳалла биноси янгидан курилиб, унинг атрофида болалар майдончалари, тиббиёт пункти, тадбиркорликка қўмлашувчи марказ, савдо шохбачаси ташкил этилди. Маҳалланинг ери унумдор эмас. Аҳоли, асосан, хизмат кўрсатиш орқали даромад олади. Ҳозирда ҳудудда маиший хизмат шохбачалари, тикувчилик қорхоналари, новвойхона, мебелсозлик ва техник хизмат устaxonалари бор, уларнинг сафини янада кенгайтириш ниётидамиз. Келгусида куёнчилик ва балиқчиликни ривожлантириш орқали айна тармоқларда аҳоли бандлиги таъминланади.



“Мукофот “еттилик”ка берилган муносиб баҳо”

Отабек ҲАМРОЕВ, Жондор туманидаги “Ушот” маҳалласи раиси, “Жасорат” медали соҳиби:

— Бу йилги байрам менинг ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Сабаби, Мустақиллик байрами арафасида “Жасорат” медали билан тақдирландим. Бу мукофот нафақат менга, балки “маҳалла еттилиги” вакилларига берилган юксак баҳо, деб биламан. Ушбу мукофот менга қанча куч-қувват берган бўлса, ўз навбатида, елкамга катта масъулият ҳам юклайди. Эндиликда аввалгидан ҳам кўпроқ ишлашни мақсад қиламан.

Йилнингизда 4 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Аҳолининг аксарияти хунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва тадбиркорлик билан шуғулланади. Янги қад ростлаган маҳалла гузари, оилавий поликлиника, хунармандчилик маркази, гўзаллик салони, маиший хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик субъектлари аҳоли фаровон турмушига хизмат қилмоқда. Йилнингизда “маҳалла еттилиги” фаолияти учун барча шароит яратилган.

Маҳалла ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида режаларни катта олганмиз. Яқин йилларда хонадонларни тўлиқ ичимлик сув



билан таъминлаймиз. Болалар учун қўшимча иккита мини футбол майдончаси куришни мўлжаллаб турибмиз. Маҳаллада тайёр инфратузилма бор, эндиги мақсад — шу ерда бор имкониятдан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш саналади. Бу орқали аҳоли йилнингизда ишли бўлишига замин яратилади.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



УЮШМА КУНДАЛИГИ

НУҚТАИ НАЗАР

СИФАТ — ўзаро тажриба ва амалиётдаги энг муҳим мезон

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Хитойнинг “Gansu Lanmei Vocational Skills Training School Co.n Ltd” компанияси делегацияси билан бўлган учрашувда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда меҳмонлар синов тарихида маҳаллаларда йўлга қўйилган маҳалла сервис компаниялари фаолияти билан яқиндан таништирилди. Бу жараёнда Хитой тажрибасини йўлга қўйиш, ҳамкорликда фаолият олиб бориш ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашига хизмат қилиши таъкидланди.

Ўз ўрнида делегация раҳбари Янг Жи Фан хоним Хитой бошқарув компаниясининг бу борда катта тажрибаси борлиги ва бу тажрибани оммалаштиришдан мамнун эканини қайд этди.

Учрашув сўнггида делегация вакиллари Уюшма фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Хитойлик экспертлар иштирокида маҳалла сервис компаниялари раҳбарлари учун ўқув-семинар ўтказилди.



Ўқув машғулотлари давомида делегация вакиллари Хитойдаги бошқарув сервис компаниялари фаолияти ҳамда хизмат кўрсатиш турлари ҳақида маълумот берди. Жумладан, бундай компанияларда энгагаликдан тортиб, кексаларни парваришlash, бандликни таъминlash, паспорт олиш хизматлари ягона дарча асосида кўрсатилиши таъкидланди. Семинарда Уюшма раҳбари Қахрамон Куронбоев тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Унда

сервис компанияларини ташкил этишдан қўзланган мақсад, улар аҳоли оғирини енгил қилишга, фуқароларга сифатли хизмат кўрсатишга эътибор қаратиши зарурлиги қайд этилди. Билдирилган тақдирларни ижобий ҳал қилиш бўйича масъулларга топшириқ берилди. Тадбир якунида Қахрамон Куронбоев Хитой делегацияси раҳбари Янг Жи Фан хонимга миннатдорлик билдирди. Фаол иштирок этган сервис компаниялари раҳбарлари ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Хитойлик экспертлар Фарғона вилояти маҳаллаларида бўлди.

Делегация вакиллари дастлаб Марғилон шаҳридаги Пир Сиддик мажмуасида бўлдilar. Маҳаллий аҳоли “кабутарли мазор” деб атовчи зиёратгоҳнинг тарихи, ўзига хос жиҳатлари ҳақида меҳмонларга сўзлаб берилди.

Марғилон шаҳридаги Хунармандлар маркази, бу ерда, асосан, кўл меҳнати билан яратилаётган хунармандлик маҳсулотлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Айтиш керакки, атлас, адрас каби миллий матолар ҳамда ипак гиламлар тўқилаётган қорхонада айна вақтда 350 нафардан ортқ аёлнинг бандлиги таъминланган.

Раис маҳаллага “эга” бўлмаса, дабдаба ва иллатлар урчийверади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Абдувод ДЎСТОВ, Самарқанд шаҳридаги “Бекҳо” маҳалласи раиси.

Маҳаллага раис этиб сайланганимга икки йил бўлди. Ишни энди бошлаганимда фуқаролардан бири йўлини уйлантирмоқчи экани, аммо кўли “калталик” қилаётганини айтиб, маслаҳат сўраб қолди. Шу вақтгача тўйларни қисқартириш ҳақида кўп гапирганмиз, лекин бунини қандай амалга ошириш мумкинлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаган эканмиз. Кимдир камроқ меҳмон чақиришни маслаҳат беради, бошқаси шаҳардан ташқариди аризонроқ тўйхонани гаплатинг, дейди. Ҳар қандай йўлни танламайлик, барчани рози қилиб бўлмасди. Шунда ташаббусни ўз қўлимга олишга қарор қилдим.

Биринчи навбатда шаҳардаги бир нечта базмоғоларга бориб, улардаги нарх-наво, хизмат кўрсатиш тартибини ўргандик. Кейин маҳалла фаоллари билан кенгашиб, уйда ўтказиладиган тўйга кетадиган харажати ҳисоблаб чиқдик. Учга бир. Ҳа, уйда ўтказиладиган тўйнинг харажати учга бир ҳисобда арзонроқ тушар экан.


Буни тўй бошламоқчи бўлган фуқарога тушунтирдик. У бошида кўрқди, қариндош-уруғи, қўшинлар норози бўлишидан, оворагарчилик кўйилишидан хавотир олди. Мен унга тўйнинг бошида ўзим туришимни айтиб, кўндирдим. Шундай ҳам бўлди. Тўйнинг бошида туриб, камхарж ва энг асосийси, миллий қадриятларга мос чиройли базм ўтказдик. Тўй илҳам ўтган бўлса-да, унда бутун маҳалла аҳли иштирок этди. Маслаҳат оши, сабази туғрада қадриятларни эсладик. Буни кўрган бошқалар ҳам биздан ёрдан сўрай бошлади.



Агар барча ҳамкасбларим ўз ишини билиб қилганида, тўй, маросим ва бошқа шунга ўхшаш масалаларда муаммолар бўлмас эди. Назоратни қўлдан бериб қўйдик, энди уни қайтаришимиз керак.

Бир гапни айтиш: маҳалланинг 200 нафарга яқин фуқароси хорижда, яхши даромадли ишларда ишлайди. Дабдаба десангиз, улар кўпчиликдан ортириб қила олади. Бироқ маҳаллада тартиб бўлса, одамлар сизга ишонса, эргашса, исрофгарчиликка чек қўйиш мумкин. Бу ўринда маҳалла раисининг ўрни бўлиши керак, деб ўйлайман. Ҳудудда раисларнинг гапи “қонун” эмас, фақат маслаҳат сифатида қабул қилинавери, ўзгариш бўлмайди. Ўз маҳалласига “эга”лик қила олмайдиган раис лавозимига номуносиб, деб ўйлайман. Агар барча ҳамкасбларим ўз ишини билиб қилганида, тўй, маросим ва

бошқа шунга ўхшаш масалаларда муаммолар бўлмас эди. Назоратни қўлдан бериб қўйдик, энди уни қайтаришимиз керак. Албатта, фақат қаттиққўллик билан иш битмайди. Намуна, ташаббус кўрсатиш, маҳалла аҳлини жиپлаштиришни билиш керак. Маҳалламиздаги бу ютуқ биргина ўзимники эмас, “еттилик”, комиссия аъзолари, фаоллар билан ҳамжиҳатликда ишладик. Айтишим мумкинки, ҳозир бизда никоҳ тўйлари 150 киши билан, илҳам дастурхонда ўтказилади. Шундай тўй ўтказганлар ортириб қолган пулига уй қурапти, машина оляпти. Қилса бўларкан-ку...



Шавкат Мирзиёев энергия тежамкорлигини таъминлаш, муқобил қувватлардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича ЙИГИЛИШ УТКАЗДИ.



Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ имзоланди.



Президент Беларус Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиса НАТАЛЬЯ КОЧАНОВА бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ривожимизга боғлиқ бўлган оқовасув муаммо

ТАЖРИБА

МЕНДА САВОЛ БОР...

Боғдорчилик нафақат меҳнат, балки илмий талаб этаётган соҳа. Кўчат экиб, парвартилади билан иш битмайди. Юқори ҳосил олиши учун дарахт навидан тортиб, унинг агротехник талабларини ўрганиш керак. Маҳаллаликнинг асосий “драйвер”и — боғдорчилик ва томорқачилик. Шу боис аҳоли соҳа билан дошга айланиб кетган. Тадбиркор-деҳқонлар турли узум павларини ештириб, нафақат халқимиз дастурхонига, балки хорижга етказиб бермоқда.

Алишер ЭШОНҚУЛОВ, Китоб туманидаги “Парчакент” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Аҳоли бандлигини таъминлашда айнан ўсиш нуқтамиздан самарали фойдаланяпмиз. Жорий йил 162 та оилага 50 сотихдан ер бериб, деҳқон хўжалиги ташкил этдик. Шу кеча-кундузда улар гектаридан 80 миллион сўмгача даромад топяпти. Боғдорчиликни янада ривожлантириш, пишиб етилган меваларни экспортга йўналтириш орқали даромад 3-4 баробарга ортмоқда.

Мевалар сифатини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасининг Китоб тумани бўлими ходимлари яқиндан кўмак бермоқда. Турли зараркундаларга қарши профилактик чора-тадбир кўрсатилмоқда.

Етакчи тадбиркор Раим Турдиев иштирокида кооперация ташкил этиб, унга 38 та деҳқон хўжалиги бириктирилди. Ҳар



бири 25 миллион сўм даромад топмоқда. Бир сўз билан айтганда, 162 та оиланинг барча аъзоси ишли бўлди. Масалан, нафақадаги ўқитувчи Суюн Бўронов 1,5 гектар ер олиб, 3 ўғлига бўлиб берган. Шунинг ортидан ўғиллар ўзини ўзи банд қилган. Ҳар бири йилига 30 миллион сўмдан фойда олмақда.

Юқорида таъкидлаганимдек, ўсиш нуқтамиз ривожини сув билан боғлиқ. Яъни, деҳқончилик ва томорқачиликдан етарли даромад олиш учун сув таъминотини яхши бўлиши, ҳосилдор уруғ билан таъминланиши, ҳосилни сақлаш учун музлаткичлар зарур. Аммо айни пайт маҳаллада мана шу имкониятлар етарли эмас. Энг зарури — оқовасув йўқ. Муаммони ҳал этиш учун деҳқон хўжаликлари ерларини суғоришга катта ҳажмли вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш ва ишга тушириш лозим. Субсидия орқали қудуқ қазииш учун ариза бергандик. Аризамиз қабул қилинмади. Энди тадбиркор ёрдамида бу масалани ҳал этиш ниятидамыз.

Нурилло ДАВРОНОВ, Боёвут тумани:

— Тадбиркорлик қилиш учун имтиёзли кредит олиш учун ариза берсам, кредит тарихим ҳисобга олинадими? Агар тарих ёмон бўлса, мурожаатим рад этиладими?

КРЕДИТ ТАРИХИ ЁМОН БЎЛСА, АРИЗА РАД ЭТИЛАДИМИ?



Акmalжон НАЗАРОВ, Марказий банк департаменти раҳбари:

— Кредит тарихи — бу қаердан, қайси кредит ташкилотидан, қанча миқдорда қарз олганингиз ва кейинчалик уни қандай тўлаганингиз тўғрисида батафсил маълумот. Яъни қарз олувчи сифатида молиявий интизомингиз акси.

Ўзбекистон Республикасининг “Кредит маълумотлари алмашинуви тўғрисида”ги қонунига асосан кредит тарихи қарздорнинг сўнги беш йил ичидаги жорий ва ёпилган кредитлар, товар кредитлари қиймати, расмийлаштирилган санаси, муддати ва қолдиғи, муддати ўтган қарздорликлар, жорий ва ёпилган кредитга қўйилган гаров мулк ва мулк эгаси, суд жараёнидаги кредит, кредит тарихи шаклланган сана ва уни тайёрлаган ташкилот тўғрисида маълумотни жамлайди.

Шу билан бир қаторда, лизинг олувчи, кафи, қаролатчи, гаровга қўювчи ҳамда кредит битими бўйича суғурталовчи сифатида катнашувчи жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттиради. Пул ва бошқа мулкларни қарзга беришни назарда тутган шартномаларни имзолашда таъсирга эга муҳим омил.

Шундай экан, албатта, аризангизни кўриб чиқаётганда кредит тарихингиз ҳисобга олинади. У нафақат имтиёзли, балки бошқа бозор ставкасидаги кредит олишда ҳам инобатга олинади. Чунки банк мижоз берилган маблағни қайтариш ёки қайтара олмаслигини шу орқали баҳолаб олади.

“Субсидия беришдаги тартиб кўн вақт талаб қиляпти”



Лутфилло ҲОЛМИРЗАЕВ, Норин туманидаги “Сирмоқ” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси:

— Маҳаллада янги иш ўринлари яратиш орқали камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни камайтиришга эришяпмиз. Айниқса, хорижда ишлаб юрган юрдошларимизни ортага қайтариш, шу ерда иш билан таъминлаш учун кўмак кўрсатилаяпти.

Жорий йил бошидаги хатлов натижасига кўра, 75 нафар ишсиз аниқланган эди. Бугунга келиб барчасининг бандлиги таъминланди. 66 нафар миграциядагиларнинг 12 нафари ватанга қайтди. Улар билан алоҳида ишлаб, қизиқшига кўра, 2 нафарига субсидия ажратилди. 33 миллион сўм кредит олган Нуриддин Омонов тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга, 4 та янги иш ўрни яратди.

Бундан ташқари, миграциядан қайтган 3 нафар йигитга “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси доирасида 5 миллион сўм кредит берилди. Яна 3 нафари доимий ишга жойланди. 2 нафари ўзини ўзи банд қилди.

Бандликни таъминлашда тадбиркорлик ташаббуси қўллаб-қувватлана-

ётгани яхши самара бермоқда. Илгари кредит, бозор топиш, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар, тинимсиз “текшир-текширлар” тўсиқ бўларди. Бугунга келиб, ҳаммаси ўзгарди. Шу боис уч йилдан ортик ишлаётган қорхоналар улуши ошиб, яқна тартибдаги тадбиркорлар кўпаймоқда. Агар субсидия бериш тартиби соддалаштирилса, натижалар янада яхшиланиши мумкин.

Амалдаги тартибга кўра, субсидияга аризани аввал туман бандлик маркази, кейин Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг вилоят бошқармаси кўриб чиқади ва хулоса беради. Бу бир неча кун талаб қилади. Ижобий хулоса олингандан кейин яна асбоб-ускуна ажратишга вақт кетади.

Таклифим, субсидия аризасини тўғридан-тўғри вилоят бошқармаси кўриб чиқса, муддат қисқаради.

Навбатдаги таклифим, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси билан боғлиқ, Тўғри, бу жараён тартибга келтирилди, такомиллаштирилди. Аммо ҳамон лойиҳа ғолиб бўлишида ташки омилар таъсири катта. Жумладан, ўзига тўқ хонадонлари кўп маҳалла овоз сотиб олиши ва ғолиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатда маҳалла одамлари ҳар қанча уюшқоқ бўлмасин, барибир етарли овоз тўплай олмапмиз.

Субсидияга аризани аввал туман бандлик маркази, кейин агентлигининг вилоят бошқармаси кўриб чиқади ва хулоса беради. Бу бир неча кун талаб қилади. Ижобий хулоса олингандан кейин яна асбоб-ускуна ажратишга вақт кетади.



Такрорий экинга қандай экин экиш мумкин?

Айни пайтда деҳқонлар қандай такрорий экин экиш фойдали экани ҳусусида ўйланмоқда. Қуйида шу мавзудаги зарур масалаларни тақдим этамиз.

Суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти чекланган шароитларида мошни кузги буғдойдан сўнг етиштириш мумкин. Сув танқис бўлган ҳудудларда мош қуроқчиликка бардошлилиги сабабли такрорий экин сифатида етиштирилади.



Мош уруғи экилганда тупроқни ҳаддан ташқари намқиб кетиши униб чиқишига салбий таъсир этади. Оғирлигига

нисбатан 90–92 фоиз нам талаб қилиб, жуда қисқа муддатда униб чиқади.

Мошнинг дуккаклари пишиб етилган вақтда танаси, барги ва бошқа қисмлари яшил ҳолатда бўлади. Бу эса дон ҳосилтини тўғридан-тўғри комбайн билан йиғиштириб олиш имконини бермайди. Шу сабабли мош етиштирадиган хўжаликларда кўп ҳолатда ҳосилни дуккакларининг 70–80 фоизи етилганда, эрталабки кезларда қўл кучи билан йиғиштириб олиниб, ёйиб, қурилади, сўнг янилади.

Қуёндан фойда борми?

Хонадонларда қуёнчиликни йўлга қўйиш орқали оғлавларнинг даромадини ошириш мумкин. Чунки қуён боқини яхши фойда келтиради. Мисол учун гўшти тўйимли, оқсиз а бой, ёгмилдор насл. Бу парҳез сакловчи инсонлар учун жуда мақбул ҳисобланади.


Жуни юшоқ ва иссиқликни яхши сақлайди, тўқимачиликда фойдаланилади. Айниқса, мўйнали қуён жуни юқори сифатли ва қимматбаҳо бўлади. Тезда кўпайгани учун иқтисодий



жиҳатдан фойдали. Бир қуён бир йил ичида бир неча марта болалаши мумкин. Қуён боқини экологик жиҳатдан ҳам фойдали. Улар органик чиқиндиларни

камайтиришга ёрдам беради ва тупроққа нафи катта. Парвартиш қилиш осон, кам жой талаб қилади. Уйда ҳам, кичик ҳовлида ҳам боқини мумкин.

ТОМОРҚА МАКТАБИ



Президент фармони билан Қозоғистон Республикасининг давлат ва жамоат арбобларидан БИР ГУРУҲИ МУКОФОТЛАНДИ.



Эҳтиёжманд оилаларга бериладиган пул маблағларининг СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИГАН миқдори 15 миллион сўмдан БХМнинг 100 бараваригача оширилади.



Янги қонун билан Тovar белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги СИНГАПУР ШАРТНОМАСИ (Сингапур, 2006 йил 27 март) ратификация қилинди.

БИЛАСИЗМИ?



ВАКТИНЧА РҲҲАТДА ТУРГАНЛАР “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛАДИМИ?

Толиб ТЕШАБОЕВ, Янгикўрғон тумани.

– Бошқа маҳаллада доимий рўйхатда турган йигит-қизлар вақтинча рўйхатда турган жойда “Ёшлар дафтари”га киритилиши мумкинми?

Мадина АМРЕЕВА, Ёшлар ишлари агентлиги бўлими бошлиғи:

– “Ёшлар дафтари”га 14 ёшга кирган ва 30 ёшдан ошмаган ёш фуқаролар киритилади. Бу жараёнда алоҳида ишлаб чиқилган тоифалар бор. Булар — ишсиз, ногиронлиги бор, профилактик назоратда турувчи, касб-хунар ва илм ўрганишга иштиёқи юқори бўлган, боқувчисини йўқотган, меҳрибонлик уйларида тарбияланган, тиббий, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар.

Дафтарга 3 та йўналишда — “маҳалла еттиклиги” тавсияси билан, yoshlardaftari.uz сайти ёки “1093” қисқа рақами орқали ариза қолдириш мумкин. Аризани маҳалладаги ёшлар етакчиси 5 иш кунини ичида ўрганиб, тавсия бериши ёки рад этиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, “Ёшлар дафтари”га йигит-қизлар яшаб турган жойи бўйича киритилади. Бунда уларнинг яшаш жойи бўйича доимий ёки вақтинча рўйхатда турмаслиги “Ёшлар дафтари”га киритилиши рад этиш учун асос ҳисобланмаслиги кўрсатилган.

Демак, “Ёшлар дафтари”га киритишда асосан, ушбу дафтарга киритилаётган йигит-қиз ўша жойда вақтинча ёки доимий рўйхатда турганлик ҳолатига қаралмайди. Худудда рўйхатда турмас ҳам “Ёшлар дафтари”га киритиш учун берган аризаси рад қилинмайди.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ТАВСИЯСИ БИЛАН



ИССИҚХОНАСИЗ ОИЛА ДАРОМАДСИЗ ҚОЛАДИ

Рустам БОЗОРОВ, Ангор туманидаги “Юқори Таллимарон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Бугун ёш ишбилармонларга елка тутиш ёки банкдан кредит олиб, мақсадли фойдаланишни билмаётганларга амалий кўмак бериш натижасида мулкдор йигит-қизлар сафи кенгаймоқда.

Маҳалла хонадонлари томорқасида иссиқхона ташкил этиб, бандликни таъминлашга эришяпмиз. Дастлаб иссиқхоналар қурилган, маҳалладаги ёшларни томорқа маданиятига ўргатиш жараёнида дангасалик кайфиятига берилган, боқиманда хонадон эгалари билан алоҳида ишлашга тўғри келди. Уларни бу кайфиятдан чиқариш ҳамда иссиқхона харажати қисман қоплаш мақсадида меҳнат кам талаб қиладиган экинларни экишга алоҳида эътибор берилди. Бу иссиқхоналар асосан “Ёшлар дафтари” рўйхатига киритилган маҳалладошлар хонадонидан қурилди. Агроном жалб этилиб, экинлар-

ни парваришlash ўргатилмоқда.

Алиакбар Жовлиев 28 ёшда. Аммо ҳаёт ташвишлари уни эрта улғайтирди. Оиласига ёрдам бериш, моддий аҳволини янада яхшилаш учун хорижда ишлашга мажбур бўлди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида юрган ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш, бизнес гоё ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга қаратилган имкониятлар Алиакбарга шижоат, куч-ғайрат бағишлади. Хориждан қайтган, томорқасида иссиқхона ташкил этиш ниятида ариза билан мурожаат қилди.

Ўзига тегишли бўлган 5 сотих ерда етакчи тадбиркор орқали иссиқхона қуриш таклифини бердим. Таклифнинг афзаллиги — уч йил давомида иссиқхонада экинларнинг уруғи-ю, ишлатиладиган дори-ўғитлар билан бепул таъминлаш кўзда тутилган. Бу давр мобайнида қилинган меҳнат эвазига ҳар ойда 2-2,5 миллион сўм ойлик иш ҳақи тўлаб берилади. Учтинчи йилдан кейин иссиқхона хусусий мулк бўлиб қолади. Ҳозир Алиакбар иссиқхонада

деҳқончиликдан ташқари чорвачилик ва паррандчилик билан шуғулланиб, йилга 50-60 миллион сўм даромад қияпти. Бундан ота-онаси ҳам хурсанд. Фарзандларининг чет элларда сарсон бўлиб ишлаганидан кўра, юртимизда тадбиркорлигини йўлга қўйганидан мамнун. Аммо шу кунларда етакчи тадбиркор кредит фойзини тўлаб олмаслиги учун муаммо юзага келган.

Жорий йил шу кунга қадар бир нафар ёшнинг йиллик тўлов-шартнома пулининг 50 фоизи тўланди. “Ёшлар дафтари”га киритилган 40 нафар ёшга аукцион орқали 30 йилга деҳқончилик қилиш учун ер ажратилди. 3 нафарига 3-5 сотихли иссиқхона қурилди. Хуллас, маҳаллада бирорта ёш эътибордан четда эмас. Оилавий шароити мунтазам равишда ўрганилиб, тегишли тартибда ёрдам кўрсатилмоқда.

Таклифим — маҳалла худудидида дам олиш маскани ташкил этиш керак. Чунки ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун имконият йўқ. Қолаверса, китобхоналикни тарғиб этиш учун кутубхона зарур.

КУН САВОЛИ

– Қонунчиликда ёшлар учун сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлаб бериш кўзда тутилган. Мен ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар тоифасига кирмайман. Шу вазиятда юқоридаги имкониятдан фойдалансам бўладими? Менга ҳам субсидия ажратиласими?

Паҳлавон КОМИЛОВ, Чироқчи тумани.

ҚАНДАЙ ЁШЛАРГА 1 ОЙЛИК ХИЗМАТ ПУЛИ ТўЛАБ БЕРИЛАДИ?

Шаҳзод ҚАЮМОВ, Ёшлар ишлари агентлиги мутахассиси:

– Йўқ, сизга субсидия ажратилмайди. Фақат ижтимоий дафтарга киритилган ёшлар Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қоплаш учун субсидия ажратишни сўраб ариза бериши мумкин.

Бунинг учун талабгор туман(шаҳар) “Ёшлар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгашига мурожаат ишлари бўлими билан тузилган шартнома нусхасини тақдим этган ҳолда ариза беради.

Васийлик кенгаши 3 иш кунини ичида мурожаатни унга илова қилинган шартнома билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига кўриб чиқиш учун юборади.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси 5 иш кунини ичида армия пулини тўлаш ҳақида қарор чиқаради. Ёки уни рад этиш ҳақида асосланган хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Агар хабар бермаса ёки субсидия беришни асоссиз рад этса, Васийлик кенгашининг ўзи талабгорга армия пулини тўлаш ҳақида қарор чиқаради. Уни туман(шаҳар) ҳокимлигига юборади.

Ҳокимлик Васийлик кенгашининг субсидия ажратиш ҳақидаги қарори асосида тўловни туман(шаҳар) мурожаат ишлари бўлимининг тегишли ҳисобрақамига ўтказиб беради.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ

“ЁШЛАР тил ўрганиш учун ОЛИСГА ҚАТНАЯПТИ”

Саидкамол ОЛИМОВ, Оқдарё туманидаги “Пичоқчи” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалладошимиз Асадбек Асланов икки марта университетга ҳужжат топширган. Етарли балл тўплай олмагани учун талаба бўла олмаган. Кейин иш қидириб, акаси билан хорижга кетган. 2 йилга яқин мусофирлик заҳматини чекди.

К ишлоққа қайтган, у билан суҳбатлашдим. Қизиқишини ўргандим. Ишсиз сифатида “Ёшлар дафтари”га киритилди. Имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик қилиши мумкинлигини тушунтирдим. Акаси билан биргаликда, автомобиль ўриндиқлари учун ғилоф тайёрлаш цехи ташкил қилишди. Бунинг учун зарур молиявий кўмакни кўрсатдик. 25 миллион сўм кредит маблағи эвазига тикув машиналари ва хомашё сотиб олди.

Дастлаб фаолияти осон кечмади. 20 дан зиёд ғилофни бузиб қўйган ҳолатлар бўлди. Қолаверса, хомашёни қиммат олиб, тайёр маҳсулотни арзон сотди. Гоҳида зарарга ишлади. Лекин чекинмади. Ўз наватидида унга зарур ёрдам кўрсатиб бордик. Секин-аста фойда кўра бошлади.

Натижада Асадбек “Ёшлар дафтари”дан чиқарилди. Бугунги кунда маҳалладаги 8 нафар

ишсиз хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган. Кувонарлиси, фаолиятни бошлаганига эндигина икки йил бўлса-да, ойига 20-25 миллион сўм аτροφиди даромад топяпти. Фойда эвазига маҳалла марказида савдо дўкони очди. Бир нечта шогирд тайёрляпти. Келгусида фаолиятини кенгайтириб, йирик корхона ташкил этишни режалаштирган.



“Ёшлар дафтари”да рўйхатда туриб, шу каби ёрдам эвазига



“Ёшлар дафтари”да рўйхатда туриб, шу каби ёрдам эвазига ҳаётини изига солиб олган йигит-қизлар оз эмас.

ҳаётини изига солиб олган йигит-қизлар оз эмас. Йил



бошидаги хатловда 48 нафар ана шундай ишсиз ёш рўйхатга олинган. Улар билан алоҳида иш олиб бордим. Ўрганишларга кўра, 13 нафари турли соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятини билдирди. Уларга имтиёзли кредит олишга кўмаклашдим. 33 нафари деҳқончиликка қизиқиш билдиргани учун Президентнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг

даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ер берилди. Икки нафари доимий ишга жойланди. Ҳозир маҳалла ишсизликдан холи худудга айланди.

Ёшлар билан суҳбатда хорижий тилларни ўрганишга иштиёқмандлар кўплигини аниқладим. Айниқса, Германияга ишлаш учун бормоқчи бўлганлар немис тилини ўрганишяпти. Бунинг учун худудда тадбиркор билан ҳамкорликда ўқув маркази ташкил этгандик. Лекин ҳозир бу ўқув марказ фаолиятини тўхтатиб, туман марказида иш олиб бормоқда. Натижада йигит-қизлар тил ўрганиш учун олисга қатнашга мажбур бўляпти. Шунингдек, марказда “IT” курс бор эди. Бу курс ҳам ишламаёпти. Компьютерлар олиб кетилди. Таклифим — маҳаллада малакали ўқитувчилардан иборат жамоа шакллантириб, ўқув маркази ташкил этиш керак.



Президент имзолаган конун билан мол-мулкнинг ҳақиқий қийматини аниқлашда ЯГОНА ЁНДАШУВ жорий этилади.



“Ўзбекистон Республикаси МИЛЛИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЖАМЎРАСИНИ ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.



Янги қонунга қўра, ўқотар бўлмаган қуролни ўз ихтиёри билан топширган шахслар ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛМАЙДИ.

ҚўЛЛАНМА

КЕШБЕК ОЛИШДАГИ ДОЛЗАРЪ САВОЛЛАРГА АНИҚ ЖАВОБЛАР



Харидорларга кешбек тақдим этилиши фуқароларга ҳар бир хариди учун чек талаб этишни ўргатди. Шу орқали қисман бўлса-да, қўшимча маблағ йиғишмоқда. Бу, ўз навбатида, яширин иқтисодиётнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Сўнги кунларда харидор фуқаролардан бу жараён билан боғлиқ кўплаб саволлар келмоқда. Улардан бири, “кешбекни банк картасига ўтказишда “ҳисобингиздан кўчирилган сумма банк картага тушиш жараёнида” деган ёзув чиқади, бундай ҳолда нима қилиш керак?”, деган мазмунда. Агар ушбу хабарнома сизда ҳам кузатилган бўлса, хавотир олманг, кешбек 24 соат ичида автоматик равишда “хамён”ингизга қайтарилади. Шундан сўнг, ушбу суммани қайтадан банк картасига ўтказиб олишингиз мумкин.

Яхшиси, кешбекдан фойдаланувчиларга янада тушунарли бўлиши учун саволларга кетма-кетликда жавоб берганимиз маъқул.

— Иловага банк картасини қўшишда карта 3 та аккаунтга бириктирилганлиги

ҳақида ёзув чиқди. Энди мен кешбек ўтказолмайманми?

— “Солиқ” мобил иловасида битта банк картасини 3 тага аккаунтга бириктириш мумкин. Тасдиқланган кешбекларни ўтказиш учун 3 тадан кўп бўлмаган аккаунтда битта банк картасидан фойдаланиш тавсия этилади.

— Тасдиқланган кешбек суммаларини ўтказишда “Картанинг амал қилиш мuddати яроқсиз” деган ёзув чиқапти. Бундай ҳолда нима қилиш керак?

— Тасдиқланган кешбек маблағларини муваффақиятли ўтказиш учун фойдаланувчилар бириктирилган банк картасининг амал қилиш мuddати тугамагани текшириш керак. Агар карта амал қилиш мuddати ўтган бўлса, ушбу банк картасини ўчириб, амал қилиш мuddати фол бўлган бошқа карта қўшиш керак.

— Кешбек суммаларни ўтказишда

Аҳмад ФАЙЗИЕВ, Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи.

“Сиз бир нечта аккаунтлардан идентификациядан ўтганлигингиз сабабли хатоллик юзага келди” деган ёзув чиқди. Бу ҳолатда кешбек берилмайдими?

— Ушбу хато “Солиқ” мобил иловасида битта фойдаланувчи икки ёки ундан ортиқ телефон рақамидан фойдаланиб, Face ID тизими орқали рўйхатдан ўтганда юзага келади. Хатони бартараф этиш учун “Хабар бериш” тугмаси босилиб, масаланинг киска мазмуни ёзилади. Сўнг скриншот бириктирилади. Шундан кейин 24 соат ичида хато техник мутахассислар томонидан бартараф этилади.

Бундай хатоларнинг олдини олиш учун “Соғладалар” бўлимида барча фойдаланилмаётган (нофаол) аккаунтларни ўчириш тавсия этилади.

— “Карта рақами киритилмаган” ёзуви чиқса, нима қилиш керак?

— Ушбу хабарнома фойдаланувчи банк картасини қўшиш жараёнини тугатмаганлигини билдиради. Бундай ҳолда аввал бириктирилган банк картасини ўчириб, қайта қўшиш керак. Эслатиб ўтамиз, “Солиқ” мобил иловасида рўйхатдан ўтган телефон рақами ва банк картаси уланган телефон рақами мос келиши керак. Агар махсуслотни сотган сотувчи солиқ ҳисоботларини тақдим этмаган бўлса, кешбек тақдимланмайди. Тадбиркор ҳисоботларни тақдим этиши биланоқ, кешбек автоматик тарзда тақдимланади.

— Нима учун “Онлайн-НКМ суммалари ва ҳисоботдаги суммалар ўртасида номувофиқликлар мавжуд” мақомида турган тадбиркорлик субъекти чеки учун кешбек тақдимланмайди?

— Агар рўйхатдан ўтказилган онлайн назорат-касса техникаси чеклари билан боғлиқ бўлган товарларни сотишдан тушган даромад суммалари сотувчи томонидан солиқ ҳисоботида акс эттирилмас, яъни онлайн-НКТ чеклари ва солиқ ҳисоботи суммаси бир-бирига мос келмаса, кешбек тақдимланмайди. Юқоридаги саволда айтиб ўтганимиздек, тадбиркор камчиликларни бартараф этгач, кешбек автоматик тарзда тақдимланади.

СОЛИҚЧИ – ҚўМАКЧИ

“МАҲАЛЛАБАЙ”, бу – ўз устида ишлаш, интилиш дегани”

Гулзода ДУЙСЕНОВА, Бўстонлик туманидаги “Сарикангли” маҳалласи солиқ инспектори.

Кунлик иш фаолиятим қизимни мактабга юборишдан бошланади. Маҳалла идорасига келгунча йўл-йўлакай аҳоли, тадбиркорлар билан учрашиб, мулоқотда бўламан. Бирор муаммога дуч келадиган тадбиркор ёки оддий солиқ тўловчи бўлса, уларга зарур қўмак берман, йўл-йўриқ кўрсатаман.

Солиқ тизимидаги йигирма етти йиллик фаолиятим давомида маҳаллаларга бунчалик чуқур кириб бормагандик. Авваллари, солиқ тушумларининг асосий қисми жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи ҳамда sanoқли тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келарди.

Бугун солиқ йўналишлари кенгайтирилди, тушумлар ортиди. Шахсан ўзим солиқ турининг 23 та йўналиши бўйича ишлаяпман. Ўн беш кун жисмоний шахслар билан ишласам, ўн беш кун корхона ва фермер хўжаликларини билан ишлайман. Ҳисоботларида хатоси бўлса, тўғрилатаман, суд ижросига чиқиб кетмаслиги учун солиқ тўловларни ўз вақтида тўлашларини назорат қиламан. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, муомала ва билим бўлса ҳамма нарсанинг уддасидан чиқса бўлади.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими фуқаронинг ўз устида ишлаш, ўзи учун ҳаракат қилиш тизимига айланди. Инсон ҳаракат қилса, интилса маблағ бўлади, ҳаракат қилмаса ҳеч нарса бўлмайди. Ҳаракатларим натижасида ҳар ой рағбатлантириляпман. Мазкур тизим жорий этилгандан буён самарадорлик



Солиқ тизимидаги йигирма етти йиллик фаолиятим давомида маҳаллаларга бунчалик чуқур кириб бормагандик. Авваллари, солиқ тушумларининг асосий қисми жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи ҳамда sanoқли тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келарди.

кўрсаткичларим 95 баллдан юқори бўлиб келмоқда.

Бу ҳаракат тизими фуқароларга тадбиркорлик билан шуғулланиш, қонуний фаолият юритиб, ўзи ва oilасини даромадли қилиш имкониятини берапти. Биз, солиқ инспекторлари эса солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини

тушунтиряпмиз. Айниқса, мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “Маҳалла бюджети”да қолишини, ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратишга, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилишини кенг тарғиб этиляпмиз.

Маҳалла аҳолисининг аксарияти тадбиркорлик билан шуғулланади.

Ҳозирда 26 нафар юридик шахс, 13 нафар яққа тартибдаги тадбиркор бор, 250 нафар ўзини ўзи банд қилган шахс турли йўналишларда фаолият юритмоқда. Асосий солиқ тушуми мол-мулк ва ер солиғи тўловчилари ҳиссасига тўғри келади. Келгуси режаларимиздан бири, қўшимча манбаалар яратиб, солиқ тушумларини ортиғи билан бажаришдир.

Тошкент вилоятидаги 1 025 та маҳаллага 482 нафар солиқ инспектори бириктирилган. Гулзода Дуйсеновнинг июль ойи якуни бўйича муҳим самарадорлик кўрсаткичлари 100 фоизни ташкил этиб, Солиқ қўмитаси раиси томонидан эътироф этилиб, ташаккурнома билан тақдирланди.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

6 ОЙДА 152 МЛРД. СЎМЛИК СОЛИҚДАН ҚОЧИШ ҲОЛАТИ АНИҚЛАНДИ



Юртимизда тадбиркорлар учун кўплаб имконият ва имтиёзлар берилётганига қарамасдан ҳамон ноқонуний фаолият юритиш ҳолатлари кузатилмоқда. Айниқса, бу ҳолат хизматлар кўрсатиш, қурилиш ва sanoат соҳаларида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини фаолиятида ҳам бу каби иллатларни кузатиш мумкин.

Минглаб ишчи-ҳодимларига ойлик бераётган норасмий сектордаги тадбиркорлар солиқ тўлашдан бўйин товламақда. Бу борада Наманган вилояти солиқ хизмати органларига келиб тушаётган ариза ва муножабатларга асосан, сайёр солиқ текширувлари ўтказилиб, тегишли чоралар қўриляпти. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига қўра, Наманган вилояти бўйича солиқлардан қочиш ва бўйин товлаш ҳолатлари бўйича

152 млрд. сўмлик солиқ суммалари аниқланди. Шундан 18.9 млрд. сўми ундирилиб, давлат бюджетига йўналтирилди.

Давлатбод туманидаги “Ирвадон” маҳалласида жойлашган “МАЛОҲАТ” номли умумий овқатланиш шохобчасида ўтказилган текширишда харидорга 26 минг сўм харид чекини бермагани, кунлик 1 млн. 487 минг сўм нақд пулни онлайн назорат-касса машинасига қирим қилинмагани аниқланди. Бундан ташқари, жамият 2024 йил апрель

Ойдин ЭСОналиева, Наманган вилояти солиқ бошқармаси бош инспектори.

ойида солиқ органларига тақдим қилган ҳисоботида 17 нафар ишчи-ҳодим ишлаётгани тўғрисида маълумот киритган. Текшириш кунинда эса 6 нафар ёлланма ишчига солиқ ҳисоботида кўрсатмасдан нақд пул қўринишида 1 ойга 16 млн. 50 минг сўмдан иш ҳақи бериб келадигани маълум бўлди. 12 ойда 192 млн. 600 минг сўм иш ҳақи ҳисоблаб, солиқ ҳисоботида кўрсатмасдан берилётгани натижасида 23 млн. 112 минг сўм иш ҳақидан даромад солиғи ва 23 млн. 112 минг сўм ижтимоий

солиғи ҳисобланмасдан қолаётгани аниқланиб, жамият раҳбарига юқоридаги ҳолатлар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Бундай ҳолат Янги Наманган туманидаги “Istanbul food” МЧЖга қарашли умумий овқатланиш шохобчасида ўтказилган сайёр солиқ текширувида ҳам қайд этилди. Сотувчи харидорга 78 минг сўм чеки бермагани, кунлик савдодан тушган 19 млн. 535 минг сўм нақд савдо пулларини онлайн назорат-касса машинасига қирим қилмагани аниқланди. Бу ерда ҳисоботида кўрсатилмаган 10 нафар ёлланма ишчи ишламоқда. Уларга ойига 18 млн. сўмдан иш ҳақи бериб келинган. Натижада 25,9 млн. сўм иш ҳақидан даромад солиғи, 26 млн. сўм ижтимоий солиқ ҳисобланмасдан қолаётгани маълум бўлди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

— Агар мен ўз номимга янги квартира сотиб олган бўлсам, мол-мулк солиғини қайси давр учун тўлашим керак. Сотиб олинган кундан кейинги давр учунми ёки бутун йил учун?

Мурод РАҲМОНОВ, Самарқанд шаҳар.

СОТИБ ОЛИНГАН УЙГА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ҚАЙСИ ДАВР УЧУН ТўЛАНДИ?

Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори:

— Мол-мулкка эгалик ҳуқуқи календарь йил мобайнида тўланади. Агар бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, мол-мулк солиғи аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган оянинг бошланишига қадар, янги мулкдор эса унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўлайди.

Масалан, 2024 йил 13 августда квартира сотиб олган бўлсангиз, 2024 йилнинг 1 августидан 31 декабрга қадар 2024 йил учун мол-мулк солиғини тўлайсиз.

Маълумот учун шуни айтиб ўтиш лозимки, агар янги бинодан квартира сотиб олган бўлсангиз, янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ мулк ҳуқуқи юзага келган ойдан эътиборан тўлайсиз. Агар сиз кўчмас мулкни мерос қилиб олган бўлсангиз, мерос бўйича ўтган мол-мулк учун солиқ меросхўрда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади. Агар уй бузилган бўлса, солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тугатилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-ки-тоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик ёки бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Агар солиқ имтиёзлари мавжуд бўлса, календарь йил мобайнида имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугаган) тақдирда, солиқни қайта ҳисоб-ки-тоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади.



2024 йил 2-4 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Креатив иқтисодий бўйича IV БУТУНЖАҲОН АНЖУМАНИ ўтказилади.



Ишга қираётган шахслардан талаб этиладиган ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ қисқартирилади.



Соқлиқни сақлаш вазирлиги маълумотида кўра, "103" хизматида ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ БРИГАДАЛАРИ сони 2 800 дан ошди.



ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ

“МАДАНИЯТ” тажрибаси оммалаштирилади

шу асосида “қизил” тоифадаги маҳаллалар жиноятдан холи ҳудудга айлантирилади

Сухробжон ҲАЛИЛОВ, Жиззах шаҳридаги “Маданият” маҳалласи профилактика инспектори.

“Маданият” маҳалласидаги икки ойлик фаолиятим давомида ҳуқуқ-бузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаб, маҳалла еттичилиги ва жамоатчилик тузилмалари билан биргаликда уларни бартараф этиш чораларини кўряпмиз. “Хонадон-бай” ҳар бир оила билан мулоқотда бўлиб, ким нима билан машғул эканини ўргандим.

Дастлабки фаолиятимдаёқ фуқароларнинг фирибгарлик, ўғрилик, кибержиноятлар ҳамда йўл-улов ҳодисаларидан жабрланишларининг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказдим. Ички ишлар органларида ҳисобда турган шахслар, пробация хизмати ҳамда маъмурий назорат остига олинган фуқаролар билан алоҳида, манзилли ишлашни

йўлга қўйдик.

Ўрганишларим давомида рўйхатдаги муқаддам судланган шахслар 50 нафар эмас, 27 нафар экани аниқланди. Қолганлари бошқа манзилларга кўчиб кетган ёки вафот этган. Янги рўйхатдагиларни қилган жиноятлари ва юриш-туришларига қараб, “қизил”, “сарик”, “яшил” тоифага киритиб, ҳар бири билан алоҳида ишлаяпмиз. Тиббиёт муассасасида рўйхатга олинган руҳий хасталиқлари бор ҳамда спиртли ичимликка ружу қўйган фуқаролар доимий назоратимизда. Айниқса, ойлик маошини фақат спиртли ичимлик истеъмол қилишга сарфлайдиган фуқароларнинг иш ҳақини ўзига эмас, балки оиласига етказиш тартибини йўлга қўйдик. Кувонарлиси, 11 та оилавий низога барҳам берилди. Бу борадаги чора-тадбирларимизни кўчабоши ва уйбошилар ҳамда маҳалла еттичилиги билан ҳамкорликда давом эттириб, янада такомиллаштиряпмиз.

Профилактика инспектори бир жиноят устида бўлганида, ҳудудда яна

бир жиноят содир этилса, унга тезкор етиб боришига имкони йўқ. Шу боис кўп қаватли тураржойларга ҳамда савдо объектларига миллий гвардия кўриқлаш бўлимининг “ташвиш тугмалари” ўрнатилди. Агар бирор жиноятчилик юз берса, фуқаролар ушбу тугмани босиш орқали миллий гвардия ходимларини тезкор хабардор этади. Шунингдек, маҳаллада хавфсиз ҳудуд ва мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида мавжуд телеграм каналларга видео роликлар жойлаштиряпмиз.

Бундан ташқари, маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида инсонни юздан, автотранспорт воситаларини давлат рақами белгисидан таниб олувчи 79 та видеокузатув қурилмаси ўрнатилди. Шунингдек, маҳалладаги фуқаролар кўп тўпланадиган 4 та нуктага овоз кучайтириш ускуналари қўйилди. Унда куннинг белгиланган вақтида фуқароларни жиноятчилик ва

ҳуқуқбузарликдан огоҳликка қақариш бўйича овозли хабарлар эшиттирилади.

“Маҳалла еттичилиги” ҳамкорлигида олиб борилаётган шу каби чора-тадбирларимиз натижасида ўтган бир ой давомида маҳаллада бирорта қонунбузарлик қайд этилмади. Бу борадаги тажрибаларимиз яқинда Жиззах вилояти ИИБ ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорлигида “Маданият” маҳалласини жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга оид ўтказган семинарда ҳам алоҳида таъкидланди. Прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбар ва масъуллари, шунингдек, аҳоли вакиллари иштирокида ўтган мазкур тадбирда маҳаллада жиноятчиликни жилавлан борадида қилинган ишлар тақдимоти ўтказилди.

Кувонарлиси, “Маданият” маҳалласи тажрибаси асосида ҳар бир туман прокурори криминоген вазияти оғир бўлган “қизил” тоифага кирувчи биттадан маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришига келишиб олинди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР ҚОНУНИЙЛАШАДИ

Даврон ОРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Бугунги кунда дунё миқёсида ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланишда ва рақамли далилларнинг янги тури сифатида пайдо бўлмоқда. Бироқ миллий процессуал қонунчилик ҳужжатларида рақамли далиллар тушунчаси, улардан фойдаланиш тартиби ва шу билан боғлиқ масалалар назарда тутилмаган. Рақамли далилларга қандай маълумотлар киритилиши ҳам қонунчиликда белгиланмаган.

Барча соҳаларда рақамлаштириш кенжорий этилаётган ҳозирги шароитда фарз ниятли шахслар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши ортидан кибермақомида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бормоқда. Айниқса, кибермақомида содир этилаётган мулкий турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори. Бундай жиноятлардан жабрланганлар сони ва зарар қўламини ошиб бормоқда. Ер юзининг исталган ҳудудида туриб, мол-мулкни талон-торож қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳам мазкур жиноятларни аниқлаш ва фож этишнинг мураккаблиги билан изоҳланмоқда.

Кейинги пайтда жиноятчилар аҳолининг банкдаги пулларини талон-торож қилишда янги усуллардан фойдаланмоқда. Хусусан, дастурий аппарат қурилмалари ёрдамида қонунга хилоф тарзда банк картаси ёки бошқа тўлов карталарининг нуқсасини ясаш, сохта-лаштириш орқали ўзганинг банк ҳисобидаги ёхуд электрон тўлов ҳамаёнидаги пуллари талон-торож қилинмоқда.

Кўпгина ривожланган давлатларда банк-коматлар ва тўлов терминалларига ўрнатилган банк карталарининг маълумотларини ўғирловчи (“скиммер”) ёки дублюкатини ясовчи қурилмаларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ўтказиш ва фойдаланиш учун қаттиқ жиноий жазолар белгилаш орқали ижобий натижага эришилган.

Ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги электрон маълумотларни далил деб топиш ва иш ҳужжатларига қўшиш билан боғлиқ муаммолар жиноятни фож этишда қийинчиликларни юзга келтирмоқда. Шу боис, рақамли далилларни қабул қилиб олиш, текшириш ва баҳолаш тартибига оид ва бошқа нормаларни Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ҳужжатларига киритиш зарурати юзга келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, куни кеч Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Ушбу қонун билан тергов ҳамда суд жараёнида иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далил тушунчасини, рақамли далилларни аниқлашни, тўплашни, тақдим қилишни, текширишни, баҳо беришни, қайд этишни ҳамда сақлаш тартибларини, шунингдек бу мазкур жараён иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун процессуал қонунчиликдаги жиноятларни бартараф этишга, янги институтларни жорий этишга, одил судлов сифатини оширишга, суд иш юритувини такомиллаштиришга, шунингдек, мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Профилактика инспекторига ХИЗМАТ УЙИ ТОПИШИРИЛДИ

Латофат ЮСУПОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Хоразм вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

Бугунги кунда Янгиерик туманида 39 та маҳалла мавжуд бўлиб, барча маҳаллаларда профилактика инспекторлари ўз хизмат вазифаларини олиб бормоқда. Уларнинг туну кун маҳаллада бўлиши учун хизмат уйлари муҳим аҳамиятга эга. Яқинда шундай уйлardan бири, тумanning “Чакир” маҳалласи профилактика инспекторига

топиширилди.

— Ҳар бир профилактика инспектори ўзи ишлаётган ҳудудда хизмат уйи билан таъминланаётганини иш фаолиятимизда анча қўлайлик яратмоқда, — дейди маҳалла инспектори Валижон Матёкубов. — Иш жойимизга яқин бўламан, қатнаб, кўп вақт сарфламаймиз. Ишда ушланиб қолган вақтларимизда ҳам оиламиздан кўнглимиз хотиржам бўлади. Ўзим Хонқа туманиданман, шу пайтгача қатнаб ишладим. Энди кўнглим хотиржам. Маҳаллада уйим бор, мактаб ва маҳалла фуқаролар йиғини биноси ёнимизда жойлашган. Бу ўз ишимни жамоатчилик билан ҳамкорликда ташкил этишда муҳим аҳамияга эга.

ҚУЛАЙЛИК



СУД ҲУҚМИ

Шорасул ота-она ишончини оқламади, аксинча...

Бирор жойда кўним топиб ишламаган Шорасулнинг хотини ахйир боласини олиб, ота-онасининг уйига кетиб қолди. Очиғи, қачонгача чадаш мумкин?! Шорасулнинг ҳам ўзига яраша вайи бор. Ота-онаси эрта уйлантирган. Унинг “ёшман, ўйнаб-қулиб юрадиган пайтимда, рўзгорнинг ола хуржунини елкамга ортиб нима қиламан?!” деганига қулоқ осишмади.



Нилуфар ИСОХОНОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати бошлиғи.

Мана оқибати. У ҳам ўртоқлари сингари қаҳвахонаю турли кўнгилочар масканларда вақтичоғлик қилгиси келади. 22 ёшида унга шу керакмиди?! Аслида, ота-онаси бир неча бор суднинг қора курсисига ўтирган фарзандини “билали бўлса, куйилиб қолар”, деган ниятда уйлантирганди. Бирок...

Ҳадемай, янги йил. Ўртоқлари билан кайф-сафо қилиши учун унга пул керак. У пул топиш йўлларини излай бошлади. Хаёлига келган режа уни тез-тез хотини бориб турган Фарғона йўли кўчасида жойлашган гўзаллик салонига етаклади. Салонда ишловчи аёллар Шорасулни яхши

танишади. Ахир бу ерда у Лоласини кутиб озмунча вақтини ўтказмаганми?!

13 декабрь, соат 12:30 ларда у мазкур салонга кириб борди. Аёллар билан эски қадрдони каби қуюқ саломлашиб, турли мавзуларда гап очди. — Улар божхона орқали бурди.

— Танишларим Сергелидаги машина бозоридан иш топиб беришди. Ўзлари маиший техникалар савдоси билан шуғулланишади. Мен хозирча автомашинани бўёқларини сотаяпман. Ҳадемай ўз ёнларига олишади, — деб гап очди. — Улар божхона орқали мусодара қилинган уяли телефон ва бошқа маиший техникаларни сотиб, яхшигина фойда кўришяпти.

Уддабуронлик билан ташланган қармоққа аёллар дарров илинишди. Телефонлар ҳақида сўрай бошлади. Шорасул нарх-навосини гаплашиш учун кимгадир телефон қилганча

ташқарига чиқди ва бир оздан кейин кириб: — Муддатли тўлов билан олсангизлар ҳам бўларкан, — дея тўлов шартларини тушунтира бошлади.

Дилдора ва Насиба ойига 50 АҚШ долларидан, 11 ой тўлаб бориш шарти билан ҳар бири икки донадан “Iphone 14 Pro Max”га буюртма бериб, 250 АҚШ доллардан беришди. Людмила икки ой давомида 50 АҚШ доллар тўлаб бориш шарти билан “Air Pods 3” қулоқчини хариди учун 50 АҚШ доллар берди. Пулларни олган Шорасул икки-уч соатларда айтилган молларни келтириб беришга ваъда бериб, кетганча қорасини кўрсатмади. Аёллар алламаҳалгача, ҳатто уйларига бориб ҳам қайта-қайта кўнғироқ қилишига қарамай, ҳеч қандай жавоб бўлмади.

— Илгари жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек, Миробод, Юнусобод туманлари суди томонидан

фирибгарлиги ва ўғрилиги учун судланган Шорасул ота-онасининг ишончини оқламади. Уни уйлантириб, қуйилишига ишонган ота-онаси бу сафар ҳам ишониб, жабрдийдаларга етказилган моддий зарарни тўлалигича қўлаб беришди. Бироқ Шорасул буни қандай тушунади, бизга қоронғу. Аслида қозонда бўлса, чўмичга чиқар, деган нақл бор, — дейди Яшнобод тумани ИИО ФМБ Тергов бўлими терговчиси, майор Фаррух Эргашев.


Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди Шорасулни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “Б” банди (“Фирибгарлик”) билан айбдор деб топиб, жабрдийдаларга етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, айбига иқроқлиги ва қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилди.



Статистика агентлиги маълумотига кўра, 2024 йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент метрополитенида 131,9 МИЛЛИОН НАФАР йўловчи ташилган.



2024 йилнинг январь-июль ойларида Ўзбекистон жаҳоннинг 187 та мамлакати билан САВДО АЛОҚАЛАРИНИ амалга оширди.



ИТАЛИЯ КОМПАНИЯСИ Ўзбекистон қурилиш секторини ривожлантиришга ёрдам беради.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“Одамларга қуруқ гапдан кўра, НАТИЖА МУҲИМ”

Худудимизда истиқомат қиладиган Дониёр Дўстов 43 ёшда. Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Бир неча йил ички ишлар ходими сифатида фаолият олиб борган. Ҳозир нафақада. Хизмат вақтидаги бахтсиз ҳодиса туйғайли 1-гурӯх ногиронлигини олган.

— Бир кун ҳовлида ўтирган эдик, маҳалламиз ижтимоий ходими кириб келди, — дейди Дониёр Дўстов. — Керакли ҳужжатларни расмийлаштириб, кўзи ожизлар учун мўлжалланган хасса ҳамда овозли танометр беришди. Ҳозир ушбу воситалар ёрдамида анча-мунча ҳаракат қилишга кўникиб қолдим. Кўчаларни бемалол айланяман. Олдин ёнимда кимдир ҳамроҳлик қилган бўлса, энди мустақил юришни бошладим.

Дониёр акани чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдик. Соғлигини тиклаши учун агентлик тизимидаги сиҳаттоҳга ариза киритдик. Келгусида унга брайл алифбосини ўргатадиган ўқитувчи жалб қилмоқчимиз. Шундан кейин муносиб иш ўрни чиқса, бандлигини таъминлаш режага киритилган.

Шу кунга қадар ногиронлик гуруҳини ўзгартириш, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишининг техник воситалари билан таъминлаш ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш йўналишларида 32 та кейс очдик. 2 нафар фарзандни вояга етказётган ногиронлиги бўлган эр-хотиннинг ҳар иккиси протез-ортопедик пойабзал билан таъминланди. Бундан ташқари, кўриши заифлашгани боис эркакка тиббий кўриқдан ўтиш ва даволашни учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 4 миллион сўм ажратиладиган бўлди.

Инсон ишлагани сари тажрибаси ошиб бораверар экан. Авваллари фуқаролар билан суҳбатда “Албатта, ижобий ҳал қилиб бераман”, “Илтимосингизга ечим

топамиз” тарзида шароит ва имкониятларни ҳисобга олмай, кўп ваъда бериб кўяр эдик. Энди амин бўляпманки, одамларга қуруқ гапдан кўра, натижа муҳимроқ экан. Шунинг учун ёндашувни бироз ўзгарттирдик. Бировни умидвор қилишдан олдин вазиятни чуқурроқ таҳлил қилиш керак экан.

Худудимизда 14 нафар ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёғиз кексалар истиқомат қилади. “Адолат” маҳалласида яшайдиган бир онахон бундан 30 йил аввал турмушидан ажрашган. 2 нафар қизини узатиб юборгач, ёғиз ўзи қолди. Бир неча сурункали хасталиклардан азият чекаётгани боис керакли дори-дармон воситаларини харид қилиши учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам олишга ариза топширдик.

Ижтимоий ҳимоя соҳаси янги тизим. Бу тинимсиз ўрганиш ва тажриба оширишни талаб қилади. Маҳаллаларда фаолият олиб бораётган ходимларнинг аксарият қисмини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, уларга фуқаролар билан мулоқотга киришиш, муаммоли вазиятларга муносиб ечим топиш борасида ёши улғу инсонларнинг тавсия ва йўл-йўриқлари жуда муҳим. Шу маънода мазкур йўналишда устоз-шоғирд аъёнасини йўлга қўйиш айтини муддао бўларди. Туман “Инсон” ижтимоий ҳимоя кўрсатиш маркази ходимлари, кексалар тажрибаси биз ёшлар учун тенгсиз аҳамиятга эга. Зеро, ҳаракат ва интилиш бўлган жойда ўсиш ва ривожланиш мунтазам давом этади.



Азизбек Йўлдошев, Оҳангарон шаҳридаги “Ешлик”, “Адолат” ва “Бахт” маҳаллалари ижтимоий ходими.

ЭЪТИРОФ

БУ ЮТУҚЛАР СЎНГГИСИ ЭМАС



Муҳиддин ТОҒАЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи.

— Эл-юрт хизмати йўлидаги ҳар бир саъй-ҳаракат, астойдил қилинган меҳнат ҳеч қачон мукофотсиз қолмас экан. Бунга 35 йиллик фаолиятим ва тақдирим мисолида кўрдим, — дейди “Шўхрат” медали соҳиббаси Раъно Остонақулова.

Дарҳақиқат, бу аёл ҳам бир гуруҳ фидойилар қаторида давлат мукофоти билан тақдирланди. Умрини халқ хизмати бахшида этиб, куну тун тиним билмагани кўп қатори эътирофларга лойиқ кўрилди. У кўнглидаги кечинмаларини биз билан ўртоқлашар экан, қўллари ҳаяжондан титрарди.

— Президентимиз фармони билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳи мукофотланди, — дейди Раъно Остонақулова. — Фармонга мувофиқ, “Шўхрат” медали билан тақдирланганим, мен учун қутилмаган воқеа бўлди. Қарорни ўқиб, кўзларимдан ёш қалқди, юрагим ҳапқириб кетди. Қалбимни беихтиёр ифтихор чулғди. Зиммамдаи улкан ишонч масъулиятини чуқур ҳис этдим. Бу рағбат янада кўпроқ шижоат ва куч-қувват бағишлади.

Қаҳрамонимиз олий тоифали шифокор, невролог. У бу касб ортидан хурмат, эътиборга эришиб, инсонларга яхшилик улашди. Қабулига келган ҳар бир беморни кўнглига йўл топишни билади. Олдига бирор муаммо билан кирган киши, албатта, унинг ечимини топиб чиқади. Айти вақтда Раъно опа фаолият олиб бораётган Сурхондарё вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида 6 мингдан ортиқ беморларнинг соғлиғини тиклаб, 20 дан ортиқ шоғирдларга сабоқ бериб. Яна кўплаб ёш мутахассислар устозининг изидан кетяпти.

Раъно опа олдига қўйган мақсадлари ва амалга ошироқчи бўлган ишларини санаса, охири кўринмайди. Янада кўпроқ меҳнат қилиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг дардига дармон бўлиш — унинг учун энг катта бахт.



ЖАРАЁН

“ТУТИНГАН ОТА-ОНАЛАР МАКТАБИ”: машғулот, тажриба, малака

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази ва Қозғистоннинг “АНА УЙИ” жамоат фонди билан ҳамкорликда “Тутинган ота-оналар мактаби” бўйича 5 кунлик семинар-тренинг ўтказилмоқда.

Ушбу тадбир Қозғистон тажрибасини ўрганиш ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари психологлари, Болалар ўйи, Мехрибонлик уйлари психологлари ҳамда Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўъбалари масъуллари учун етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни оилага беришга тайёрлаш, болаларнинг тутинган оилаларга мослашувининг ўзига хос хусусиятлари бўйича профессионал салоҳиятларини ошириш мақсадида ташкил этилди.

Дастурдан болаларнинг ривожланиш босқичлари, зўравонликка дуч келган болаларнинг ҳулқ-атвори, тутинган оиладаги инқирозли ҳолатлар ва тутинган ота-оналарнинг тарбиявий билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган машғулотлар ўрин олган.

Қозғистонлик ҳамкорлар тренерлигидаги ушбу тадбир давомида иштирокчилар болаларни ўз оиласига олиш истагини номзодлар билан психологик диагностик суҳбат ўтказиш, уларни болани қабул қилишга тайёрлаш бўйича ўз тажрибаларини мустаҳкамлайди.

ЭЪТИБОР

МАШАҚҚАТЛАР ЧЕКИНЯШТИ, ҲАЁТ СИНОВЛАРИ ОРТДА ҚОЛЯШТИ

Ижтимоий ҳимоянинг маҳалла даражасида ташкил этилгани, оғир аҳволга тушиб қолган кишиларга алоҳида ёндашув асосида ёрдам бериш имкониятини яратмоқда. Хусусан, Кармана туманининг “Дустлик” маҳалласида яшовчи Гулзода Акрамованинг 4 нафар фарзанди бор. Маҳалладаги ижтимоий ходим оиланинг ҳолатини ўрганганда, ижтимоий ва ҳуқуқий хизматларга бўлган эҳтиёжи аниқланди.

Тимур БОЙБИКОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Биринчи навбатда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг болалар билан ишлаш шўъбаси ходимлари Гулзода онанинг 4 ёшли фарзанди Муроджонга тўғилганлик гувоҳномасини расмийлаштириб беришди. Натижада фарзанди худуддаги мактабгача таълим ташкилотига жойлаштирилди.

Шундан сўн оиланинг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида, болалар нафақасини тайинлаш бўйича аризаси олинди. Катта фарзанди психологик-тиббий-педагогик комиссиясининг текширувидан ўтказилиб, махсус таълим муассасасидан худуддаги 32-сонли умумтаълим мактабига ўтказилди.

Маҳаллаларда фаолият олиб бораётган ижтимоий ходимлар хонадонларга қирар экан, аввало, аҳолининг қайфиятини ўрганишга, эҳтиёжлари нимадан иборат эканига эътибор қаратишга ҳаракат қилишади. Йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар кундан-кунга ўз ечимини топиб бораётди.

Нурота туманининг “Мустақиллик” маҳалласида истиқомат қиладиган Уралой Ҳужамуродова бундан 10 йил олдин тақдир синовларини қарши олиб, тўшаққа миҳланиб қолган. Ҳаётга бўлган қизиқиши йўқолиб, қийинчиликларга таслим бўлган. Аммо маҳалла ижтимоий ходими унинг хонадонига келиб, оғир ҳаётини вазиятдан чиқишида кўмаклашмоқда.

Ижтимоий ходим оилани индивидуал

ёндашув асосида боҳолаб, зарур хизматларни кўрсатди. Хусусан, электрон юритмали ногиронлик аравачаси билан таъминланди, вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига йўлланма берилди ҳамда психологик ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирда Уралойнинг соғлиги анча яхшиланди. Ҳаётнинг аччиқ синовларини ортада қолдириб, ижтимоий фаол шахс бўлишга интилмоқда.

Аёлларнинг жамиятдаги иштироки мамлакат ривожига муҳим омил саналади. Улар ишласа, касб-хунарга эга бўлса, бугун бизни ўйлантираётган кўплаб муаммоларга ечим топилади.

Айти шу мақсадларни назарда тутиб ҳолда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси, вилоят Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, “Мадақдор ёшлар” ва “Зиёкор” аёллар ва ёшлар марказлари ҳамкорлигида Конимех тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази биносига ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар учун бепул касб-хунарга ўқув маркази очилди.

У ерда тумандаги касб-хунарга эгаллаш истагида бўлган хотин-қизлар “Тикувчилик”, “Каштачилик”, “Тадбиркорлик асослари”, “Болалар қаровчиси” йўналишлари бўйича ўқитиб борилади.

Шу кунга қадар Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази кўмаги билан Конимех туманида 216 нафар ўқитилиши режалаштирилган хотин-қизлардан 90 нафари секторлар кесимида маҳаллаларда касб-хунарга сирларини ўзлаштирди. Шунингдек, улардан 27 нафарига имтиёзли кредит ажратилган, 31 нафари эса ўзини-ўзи банд қилиб, фаолиятини йўлга қўйган.



Маҳаллаларда фаолият олиб бораётган ижтимоий ходимлар хонадонларга қирар экан, аввало, аҳолининг қайфиятини ўрганишга, эҳтиёжлари нимадан иборат эканига эътибор қаратишга ҳаракат қилишади. Йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар кундан-кунга ўз ечимини топиб бораётди.





Ўзбекистон делегацияси расмийлари ПАРАЛИМПИА ШАҲАРЧАСИГА ташир буюрди.



ИСРОИЛ МАДРИМОВ бокс бўйича дунёга машҳур «The Ring» рейтингда иккинчи ўринга кўтарилди.



Ўзбекистонда аралаш жанг санъатлари бўйича ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ўтказилди.



Интиланган истагини шу юртда ҳам тонади

МАНЗАРА

Яқинлар меҳрини хис қилиб яшап шонга куч ва шонч бағишлайди. Уларнинг ёнмида экин ва қўлаб қувватлаш ҳар биримиз учун жуда муҳим. Айниқса, гўдакларнинг ота-она, кексаларнинг фарзанд парварлишига эҳтиёжи катта. Лекин турмушнинг турли синовлари сабаб ҳаммага ҳам бу бахт nasib этавермайди.



бор. Бир қарашда оддий ҳолатдек кўринадиган бу масала узлуксиз муаммолар занжирини ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам маҳаллада ишни ташкил этишда миграцияга кетганларни ватанга қайтаришга алоҳида эътибор қаратилмади. Манзура Мирбоева Туркиядан қайтиб келган, унга янги бизнес бошлаши учун банкдан 17 миллион сўм миқдоридан

кредит олишида амалий ёрдам кўрсатилди. У ўз устида ишлаб, секин-аста ютуқлари салмоғини кенгайтирмоқда.

Оила аъзоси ёки ўзи миграцияда бўладими, ҳар бир хотин-қиз доимий эътиборимизда. Улар билан суҳбатлашганимизда бўш иш ўринлари ҳақида тўлиқ маълумот беримиз. Юртимизда яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида сўзлаб, яқинлари бағрига қайтиб келиши қанчалик муҳимлигини тушунтирамиз. Муаммолари ва тақлифларини эшитиб, амалий ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Йил бошидан маҳалланинг саъй-ҳаракати билан 5 нафар аёлни уйига қайтаришга эришдик. Қайтиб келган хотин-қизлар билан суҳбатлашиб, оилавий поликлинника билан ҳамкорликда тиббий кўриқдан ўтишига кўмак бердик.

Ирода Фойибназарова 2024 йил январь ойида турмуш ўртоғи билан Россиядан қайтиб келди. Маҳалла ходимларига ишсизлик масаласида мурожаат қилди.

Шундан сўнг "Аёллар дафтари"нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар тоифаси бўйича рўйхатга олинди. Биринчи навбатда, Мономарказда тикувчилик йўналишида касб-хунарга ўргатилди. Кейин субсидия асосида тикув машинаси бериб, ўзини ўзи банд қилишига амалий ёрдамлашдик.

Маҳалламизда истиқомат қилувчи Надежда Фатхуллина ва Юлия Диктрёваннинг турмуш ўртоғи ва фарзандлари хорижда яшагани боис доимий равишда ҳолидан хабар олиб турибмиз. Ҳомийлар кўмағида озик-овқат маҳсулотлари ва моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ҳаракат қилган, интиланган инсон ҳамма жойда ўз ўрнини топади. Пул топиш учун узоқларга кетиш шарт эмас. Юртимизда ҳам меҳнат қилган кишини қўлаб-қувватлаш учун шароитлар етарли. Буни фуқаролар секин-аста англаб етмоқда. Умид қиламанки, вақт ўтиб, хотин-қизлар миграцияси масаласи бутунлай ижобий томонга ўзгаради.

Сурайё ТИЛОВОВА, Навоий шаҳридаги "Чинор" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Бугун ишлаш, даромад топиш мақсадида хорижий мамлакатларга кетаётганлар ортда уларни интиқ кутаётган қанчадан-қанча қора кўзлар

“Оқила аёллар” рағбатлантирилади

ЯНГИЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллари ва “Оқила аёллар” ҳаракати аъзоларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди.

Унга мувофиқ, 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб, “Оқила аёллар” ҳаракатининг фаол ва ташаббускор иштирокчилари Оила ва хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш давлат мақсади жамғармаси ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамиятига ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳар олти ой кўнанига кўра,



меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг бир баравари миқдоридан рағбатлантирилади. Бу жараёнда:

- республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) лардаги “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятининг натижаларини Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари йўналишларида муҳокама қилиб, фаолият самардорлиги натижаларига кўра юқори кўрсаткичга эришган “Оқила аёллар” ҳаракатининг энг фаол ва ташаббускор аъзолари аниқланади;
- республика даражасида 10 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар даражасида 3 нафардан, туман (шаҳар) даражасида 2 нафардан фаоллар танлаб олинади;
- энг юқори натижаларга эришган фаол аёлларни рағбатлантириш тартиби Оила ва хотин-қизлар кўмитаси томонидан белгиланади.

БОЛАЛАР ЗЎРАВОНЛИКДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

ЛОЙИХА

Сенатнинг 55-ялпн мажлисида “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади. Хусусан, зўравонлик туфайли жабрланган шахс ариза билан те-

гишли ваколатли органларга ёки судга мурожаат этиши, махсус марказларда, шунингдек телефон линияси орқали бепул ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Қонун билан зўравонликдан жабрланган болаларга ҳимоя ордери бериш тартиби йўлга қўйилмоқда. Ушбу ҳимоя ордери ички ишлар органлари томонидан ўттиз кун муддатгача берилади ва ваколатли давлат органи иштирокида жабрланувчига топширилади. Агар таҳдид ҳали бартароф



этиланган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати зўравонликдан жабрланувчининг

ёки унинг қонуний вақилининг аризасига кўра, жиноят ишлари бўйича суд томонидан бир йилгача уяйтирилиши мумкин.

Қонунда жабрланувчига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсациясини талаб қилиш ҳуқуқи акс эттирилмоқда.

Шунингдек, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, уни бевоқифа амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар ҳамда уларнинг ваколатлари аниқ кўрсатиб ўтилмоқда.

ТАЖРИБА

Манзилли ёндашув — ижобий натижалар асоси

Меҳнатга ган кўч. У инсонни тарбиялайди. Машақатларни енгиб ўтишга ўргатади. Кишиларнинг бир-бирига бўлган ҳурмат ва эҳтирomini оширади. Энг муҳими, бонкаларни кадрларни тўғриусини шакллантиради. Узок йиллик педагогик фаолиятим ҳамда маҳалла тизимида ишлаган давримда мана шу ҳақиқатни тушуниб етдим.



Ойсулук АБДИЕВА, Муборак туманидаги “Геолог” маҳалласи хотин-қизлар фаоли, “Дўстлик” ордени соҳиби.

Худудимизда истиқомат қиладиган аёлларнинг кўпчилигини аввалдан танийман. Айримларига мактабда дарс берган бўлсам, баъзилари билан анчадан буюн ҳамсуҳбатимиз. Шунинг учун хотин-қизлар фаоли сифатида иш бошлаш менга қийинчилик туғдирмади. Кимни қандай муаммо қийнаётганини яхши билганим тўғри ёндашувни топишимга ёрдам берди.

Доим хонадонларга “Маҳалла еттилиги” ходимлари билан бирга кириб борамиз. Шунинг учун кимга қайси йўналишда ёрдам керак бўлса, ўша ернинг ўзида ечим топишга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир инсон тақдирига манзилли ёндашув сабаб натижаларимиз кундан-кунга ижобий томонга ўзгарапти.

Охириги икки йил ичида маҳалламизда умуман оилавий ажралиш қайд этилмади. Хотин-қизлар жиноятчилиги ҳамда таъзия ва зўравонликка учраганлар йўқ. Йил бошида “Аёллар дафтари”га киритилган ишсизларнинг барчаси бугунги кунда турли соҳаларда меҳнат қилишяпти.

Маҳалладошларимиз Кумри ва Муҳаббат Алларова ҳамда Моҳира Бойназарова қизиқиш билан қўлда ип йиғиришни бошлаб, ҳозирги кунда уста гиламдўз бўлиб кетишди. Улар икки йилдан буюн буюртма асосида ҳар хил ўлчамдаги гиламлар тўқиб, кўпчилигининг эътиборига тушди. Айниқса, туризм ривожланган ҳудудларда бундай қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотларга талаб катта бўлгани учун Хоразм вилояти ва водий томонлардан тадбиркорлар келиб олиб кетишди. Гиламга туширилган тарихий обида ва бетакорр нақшлар уйғунлиги ҳеч кимнинг эътиборини тортмай қўймайди. Аёллар бу хунарга булган муҳаббати сабаб катта-катта гиламларни ҳам 3-4 кунда битиришади. Уларни қўлаб-қувватлаш мақсадида маҳалла тавсияси билан 33 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Маблағ ҳисобига хунармандлар иш қўламини янада кенгайтирди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, улар анча йилдан буюн тикувчилик билан ҳам шуғулланиб келишади. Ҳар бирининг 2-3 нафардан шогирди бор. Тиниб-тинчиманган опа-сингилларимизга қараб ҳаммамнинг ҳаваси келади.

Ойдин Ражабова ҳам шундай интилувчан хотин-қизлардан. У бир неча йилдан бери паррандачилик билан шуғулланиб келади. Фаолиятини янада кенгайтириш истаги борлигини айтгандан кейин унга субсидия асосида махсус ускуна олиб берилди. Айни вақтда Ойдин опа икки нафар келини ва қизи билан инкубаторда жўжа етиштиришни йўлга қўйган. Бир ойда 400-500 тагача жўжа очиб чиқади. Уларни 2-3 кун парвариллаб, кейин сотади. Бир ойда 5-6 миллион сўмгача фойдаси нақд.

Маҳалламизда кутубхона ташкил этиш энг катта мақсадларимдан бири. Бундан ташқари, турли учрашув ва концерт дастурлари намойиш этиладиган маданият масканига эҳтиёжимиз бор. Ёши улуг отахон ва онахонлар вақтини мазмунли ўтказишда бунинг аҳамияти катта.

““ Ҳар бир инсон тақдирига манзилли ёндашув сабаб натижаларимиз кундан-кунга ижобий томонга ўзгарапти.

